

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВА ХУРШИДА АБДУВОХИДОВНА

**ЖИГАРНИНГ НОАЛКОГОЛЛИ ЁҒ КАСАЛЛИГИ
МУЛЬТИПАРАМЕТРЛИ УЛЬТРАТОВУШ ТАШХИСИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рашидова Хуршида Абдувохидовна Жигарнинг ноалкоголли ёғ касаллиги мультипараметрли ультратовуш таъхиси	3
Рашидова Хуршида Абдувохидовна Ультразвуковая мультипараметрическая диагностика неалкогольной жировой болезни печени	27
Rashidova Khurshida Abduvokhidovna Ultrasound multiparametric diagnosis of non-alcoholic fatty liver disease	52
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	58

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАШИДОВА ХУРШИДА АБДУВОХИДОВНА

**ЖИГАРНИНГ НОАЛКОГОЛЛИ ЁҒ КАСАЛЛИГИ
МУЛЬТИПАРАМЕТРЛИ УЛЬТРАТОВУШ ТАШХИСИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib2495. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Фазилов Акрам Акмалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Юсупалиева Гулнора Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Исмаилова Жадида Ахмеджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси 2025 й. «___» _____ да соат ___ да Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13; e-mail: www.cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-сон билан рўйхатдан ўтказилган). манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа (PhD) доктори диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жигарнинг ноалкоголли ёғ касаллиги (ЖНЁК) кўп учрайдиган сурункали касаллик бўлиб, жигар циррози ва гепатоцеллюляр карцинома ривожланиши билан ўлимга олиб келиши мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «.....ҳар саккизинчи аҳолиси стеатоздан азият чекмоқда, ва дунё бўйича клиник кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, ЖНЁК 12-14%гача стеатогепатитга, 5-10% фиброзга, сўнгра цирроз ва бирламчи жигар саратонига ўтиши билан кечади»¹. GODT (Global Observatory on Donation and Transplantation) маълумотларига кўра, 2018 йилда 34074 (23%) нафар беморга жигар трансплантацияси амалга оширилган. Россияда 2012 йилдан 2019 йилгача, миллий реестр маълумотларига кўра, жигар трансплантациясига муҳтож одамлар сони 4 бараварга 488 дан 2060 кишигача кўпайган. Гепатозларнинг ультратовуш текшируви технологиясини такомиллаштириш ва морфофункционал хусусиятларнинг оғирлигига қараб ушбу касалликнинг ультратовуш семиотикасини тизимлаштириш масалаларига етарлича эътибор берилмаган. Шу сабабли, ЖНЁКни эрта ва аниқ ташхислаш ультратовуш диагностикасининг мураккаб ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ЖНЁКни замонавий юқори технологияли усуллар ёрдамида эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш борасида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Охирги тадқиқотлар шуни кўрсатдики турли аъзолар, жумладан жигарнинг кўринишини яхшилаш ва тузилишидаги миқдорий ўзгаришларни баҳолаш учун ультратовуш тасвирини яхшилаш мақсадида икки ўлчамли (2D) кулранг шкала асосида қўлланилаётган тўқималар гормоникаси, рангли рақамлаштириш, гепаторенал индекси баҳолаш катта томирларнинг қон оқимини ва капиллярдаги микроқон оқимини доплер таҳлили, эластография усуллари янги имкониятларни тақдим этди. Бугунги кунда Халқаро ва Европа ультратовуш диагностикаси бўйича мутахассислар уюшмаси томонидан жигар эластографияси бўйича ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган клиник кўрсатмаларни қайта кўриб чиқиш ва тўлдиришга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, жигарнинг ноалкоголли ёғ касалликларини эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш....»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аҳолига

¹ <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/33776366/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, оғир асоратлар ривожланишини олдини олиш, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш мақсадида жигарнинг ноалкоголли ёғ касаллигини эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида, 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124 сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199 сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва техника ривожланишнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Илмий иш Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари V “Тиббиёт ва фармакология”га мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Европа гепатологлар ассоциацияси Европа ультратовуш мутахассислари ассоциацияси билан биргаликда жигар паренхимасининг қаттиқлик/эластиклик кўрсаткичларини клиник баҳолаш учун кенгайтирилган вариантларни ишлаб чиқди ва таклиф қилди (WFUMB в 2018, EASL 2021). Европа гепатологлар ассоциацияси (European Association for the Study of the Liver (EASL)) ва Лотин Америкаси гепатологлар ассоциацияси (Asociacion Latinoamericana para el Estudio del Hígado (ALEH)) билан биргаликда жигар касалликларини баҳолашда инвазив бўлмаган тестлардан фойдаланиш бўйича клиник амалий кўрсатмаларини чиқарган.

Сўнгги ўн йилликдаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, кулранг шкала билан доплерография ва эластография жамланмаси жигар касалликларини эрта ташхислашда эришилган “ютуқ”лардан ҳисобланади (Шриниваса Бабу А. 2016, Gherlan G.S. 2015). Италия, Япония ва Хитой мутахассислари (Лю Х. 2015, Ichikawa S. 2015, Li Q. 2020) жигар эластографиясининг турли хил: компрессион, нуқтали, икки ўлчамли силжиш тўлқинли эластографияларига жиддий эътибор беришмоқда.

Ўзбекистоннинг атоқли тадқиқотчилари академик Ф.И. Иноятова, профессорлар Г.А. Юсупалиева, А.А. Фазилов, фалсафа фанлари доктори (PhD) Г.Г. Соипова болалар ва катталардаги жигар касалликларида, жумладан, эластография ва эластометрия кўрсаткичларини ўрганишга муносиб ҳисса қўшганлар. Бироқ, ЖНЁКда жигар қаттиқлик/эластиклик даражасини аниқлашда икки ўлчамли силжиш тўлқинли (2D SWE) ва транзиент (Advanced ViTE) эластография имкониятларини ўрганишга

етарлича эътибор берилмаган ва олинган маълумотларни амалиётга жорий этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган, шу сабабдан ушбу йуналишдаги тадқиқотлар долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: кулранг шкалали эхография, жигар қонтомирларининг доплерографияси, икки ўлчамли силжиш тўлқинли эластографияси ва транзиент эластография технологияларидан комплекс фойдаланиш натижасида жигар гепатозини ташхислашни яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жигарнинг икки ўлчамли (2D) кулранг шкалали эхографиясининг сифат ва миқдорий кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида тўқималарнинг гормоникаси ва рангли рақамлаштириш ва транзиент эластография (Advanced VITE) технологияларини такомиллаштириш;

соғлом кўнгилиларда жигарнинг сифат ва миқдорий мултипараметрли ультратовуш хусусиятларини ўрганиш;

стеатоз касаллигининг турли огирлик даражаларида клиник-лаборатор, ультратовуш, МСКТ ва морфологик текширувлар маълумотлигини (сезувчанлиги, узига ҳослигини) таҳлилинини ўтказиш;

гепатозларда ультратовушнинг ютилишини миқдорий фойдалашга асосланган транзиент эластографиянинг имкониятини аниқлаштириш;

жигар стеатозининг мултипараметрли ультратовуш таснифларига аниқлик киритиш;

гепатозларнинг мултипараметрли ультратовуш ташхиси алгоритминини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти жигарнинг ноалкоголли ёғ касаллиги билан оғриган 216 нафар беморлар. 145 нафар беморлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасида кўриқдан ўтказилди, текширувлар “Mindray Consona N 9” умумий клиник қурилмасида ўтказилди. Улардан 25 нафари соғлом, 120 нафари ЖНЁКнинг турли даражалари билан касалланган беморлар. “FASTMED” хусусий клиникасида (Жиззах) 47 нафар бемор ва 24 нафар соғлом кишиларда “Hepatus” ультратовуш қурилмаси ёрдамида текширув олиб борилди.

Тадқиқотнинг предмети жигар, ўт йўллари, талоқ ва ошқозон ости безининг тўлиқ мултипараметрли текширувларини амалга ошириш имконини берувчи эксперт тоифали қурилмалардан фойдаланган ҳолда ЖНЁК билан касалланган беморларнинг клиник-лаборатор ва мултипараметрли ультратовуш текширувлари натижаларини таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган мақсадга эришиш ва вазифаларни бажариш учун қуйидаги текширув усуллари қўлланилди: умумий клиник текширувлар, биокимёвий қон таҳлили (АЛТ, АСТ, умумий билирубин, қондаги глюкоза миқдори ва холестерин); кулранг шкала, доплерография, 2D

SWE ва Advanced ViTE каби ультратовуш текширув усуллари; мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ), шунингдек морфологик текширувлардан иборат. Олинган натижалар компьютер дастуридан фойдаланиб статистик таҳлилдан ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

рангли рақамлаштириш ультратовуш текширув усули билан тана вазни индекси $>30\text{кг/м}^2$ беморларда жигар паренхимасига йуналтириш орқали жигарнинг қаттиқлик/эластиклик даражасини кулранг шкалали текширувга нисбатан юқори частотали ультратовуш ва тўқималарни гармоникаси аниқлиги ҳисобига юқори эканлиги исботланган;

2D SWE текширувининг кПа ва м/с ва аъзода ультратовушнинг сўнишини дБ/м да кўрсатувчи Advanced ViTE технологияларини комплекс қўллаш ҳисобига жигар паренхимасининг қаттиқлик/эластиклигининг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари яхшиланиши исботланган;

жигарнинг ноалкоголли ёғ касаллигини оғирлик даражасини аниқлашда жигарнинг гепаторенал индекси учта: юза, марказий ва чуқур соҳаларидан эхогенлик кўрсаткичларига техникаси асосланган;

жигар қаттиқлиги/эластиклиги даражасини аниқлашда 2D SWE ва Advanced ViTE эластографияларини касалликнинг оғирлик даражасини аниқлашда жигар паренхимадаги микроциркуляция ҳолатини аниқ кўрсатадиган усул эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Қулайлиги, зарарсизлиги ва юқори маълумотлилигини ҳисобга олган ҳолда, мультипараметрик ультратовуш текшируви ЖНЁКда жигар қаттиқлиги/эластиклигининг даражаларини сифат ва миқдорий ташхислашда танлов усули сифатида кенг қўлланилиши мумкинлиги очиб берилган;

касалликнинг фиброз босқичига ўтишини эрта ташхислашда ультратовушли мультипараметрик семиотикаси ушбу йўналишда скринингни ташкил этишни кенгайтиришга имкон бериши очиб берилган;

жигарнинг мультипараметрик ультратовушли текширувининг таклиф этилган усуллари ЖНЁКни ўз вақтида ташхислашда ва жигар қаттиқлиги/эластиклигининг даражасини аниқлашда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, бу билан ўз вақтида, мақсадли даволашга эришишга кўмак бериши очиб берилган;

“Турмуш тарзини баҳолаш сўрови” (№ ДГУ 25400 07.06.2023 й.) дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган;

жигарнинг ноалкоголли ёғ касаллиги бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини кузатиш имконини берадиган замонавий ультратовуш ва нур ташхиси имкониятларини ҳисобга олган ҳолда текшириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада бемор ва материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, лаборатор, инструментал, ва статистик тадқиқот усуллари асосида

жигарнинг ноалкоголли ёғ касаллигининг мультипараметрли ультратовуш ташхисини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, 2D SWE ва Advanced ViTE эластография режимларида жигарнинг турли сегментларида унинг қаттиқлиги/эластиклигини кПа ва м/с кўрсаткичлари билан ҳамда жигарда ультратовушнинг сўнишини дБ/м да сифат ва микдорий равишда тезкор ифодалаб, ушбу иккала текширув усулларида олинган натижалар METAVIR таснифи бўйича жигар паренхимасининг зичлигини баҳолаш учун объектив маълумотлар олишни сезиларли даражада яхшилаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти шундаки, 2D SWE ва Advanced ViTE эластография усуллари Ўзбекистонда нафақат гепатологлар балки гастроэнтерологлар, эндокринологлар амалиётида ҳам беморларнинг жигар касалликларини эрта ташхислашида ва касаллик кечишини кузатиб боришда қўлланиладиган кенг қамровли усуллар эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 7-сон қарорига кўра:

биринчи илмий янгилик. рангли рақамлаштириш ультратовуш текширув усули билан тана вазни индекси $>30\text{кг}/\text{м}^2$ беморларда жигар паренхимасига йуналтириш орқали жигарнинг қаттиқлик/эластиклик даражасини кулранг шкалали текширувга нисбатан юқори частотали ультратовуш ва тўқималарни гармоникаси аниқлиги ҳисобига юқори эканлиги исботланганлиги Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 18 июлдаги 277-сонли ва Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида 2024 йил 25 июлдаги 28-сонли буйруғи билан жорий этилди. Мультипараметрик кулранг шкалали ультратовуш текширувлари билан тана вазни юқори булган беморларда касалликнинг дастлабки босқичларидаёқ ташхислашни оширадиган тизимли ёндашув ишлаб чиқилди ва илмий асосланди. *Ижтимоий самарадорлиги:* замонавий ультратовуш технологиялари ёрдамида ишлаб чиқилган жигарнинг қаттиқлик/эластиклик даражасини комплекс баҳолашга тизимли ёндашув, текширув учун сарфланган вақтни қисқартиради, беморларнинг бошқа нурли тадқиқот усулларига сарфланган харажатларини камайтиради, шунингдек, олиб борилган даво чораларини самарадорлигини мониторинг қилишда иштирок этади. *Иқтисодий самарадорлиги:* рангли рақамлаштириш ультратовуш текширув усули тўқималар гармоникаси билан биргаликда жигарнинг қаттиқлик/эластиклик даражасини комплекс баҳолашга қаратилган ёндашувлар қуйидаги иқтисодий ҳисоб-китобларга олиб келди: диагностика марказларида қорин бўшлиги аъзолари мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ва комплекс ультратовуш

текшируви (УТТ) ўртача нархи мос равишда $287,6 \pm 28,3$ минг сўмни ва $147,6 \pm 19,4$ минг сўмни ташкил қилди. Тадқиқот харажатларидан ҳисобланган фарқ натижасида, замонавий ультратовуш технологияларидан фойдаланиб комплекс УТТ ўтказилганда, 1 беморга диагностика муолажаларига ишлатилган ўртача нарх камайиши $143,1 \pm 7,4$ минг сўмни ташкил қилди. *Хулоса:* жигарнинг каттиклик/эластиклик даражасини комплекс баҳолашга тизимли ёндашувдан фойдаланган ҳолларда, ЖНЁК билан оғриган беморлар учун, ташхислаш ва муолажаларга ажратилган вақтнинг қисқариши, ҳамда нархларнинг камайишига имкон берди.

иккинчи илмий янгилик. 2D SWE текширувининг кПа ва м/с ва аъзода ултратовушнинг сўнишини дБ/м да кўрсатувчи Advanced ViTE технологияларини комплекс қўллаш ҳисобига жигар паренхимасининг каттиклик/эластиклигининг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари яхшиланиши исботланганлиги Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 18 июлдаги 277-сонли ва Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида 2024 йил 25 июлдаги 28-сонли буйруғи билан жорий этилди. 2D SWE ва Advanced ViTE технологияларининг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари касалликнинг дастлабки босқичларидаёқ аниқлаш имконияти ишлаб чиқилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ультратовуш навигацияси остида касалликнинг сифат ва миқдорий курсаткичларини аниқлаб берувчи 2D SWE ва Advanced ViTE режимлари беморлар учун қулай, безарар ва самарали диагностика усули бўлиб хизмат қилади ва медикаментоз даволашнинг самарадорлигини кузатиш мақсадида ҳам қўлланилади. Бу эса, тўғри терапия йўналишини танлаш вақтини қисқартиришга, танланган даволаниш йўналишининг самарадорлигини баҳолашда беморларни динамик кузатишга, шунингдек, беморларнинг бошқа нурли диагностика усуллари учун харажатларини камайтиришга имкон бериши аниқланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ушбу янги технологиялар бир вақтнинг ўзида В режим ёрдамида жигар паренхимасидаги ўзгаришларни кўриш имконини ва стеатоз ва фиброз миқдорий кўрсаткичларини тақдим этади. Бу эса беморларни ультратовушли комплекс текширувлари ва бошқа нурли текширувларга бўлган эҳтиёжига тўсқинлик қилади. Тавсия этилаётган транзиент эластография текширувидан ўтиш ўртача $150,7 \pm 12,4$ сўмни ташкил этса, комплекс ультратовуш ва МСКТ текширувлари ўртача $431,8 \pm 25,8$ ни ташкил қилади. Бунда беморлар фойдасига $281,1 \pm 13,4$ сум тежалади ҳамда беморларнинг ташхислаш текширувларига сарфлайдиган вақти ва нурли текширувлардан оладиган нурланиш зарарига йўл қўйилмайди. Касаллик даражасини тўғри аниқланиши эса даво чораларини тўғри олиб бориш ва асоратларни олдини олиш имконини беради. *Хулоса:* олиб борилган жигарнинг каттиклик/эластиклик курсаткичларини баҳолаш ультратовуш текшируви ёрдамида адекват терапия йўналишини танлаш вақти қисқартирилди, шунингдек, ЖНЁК билан оғриган беморларни дастлабки

текшириш ва танланган терапия йўналиши мониторингини иқтисодий тарафдан тежамкор бўлиши аниқланди.

учинчи илмий янгилик: жигарнинг ноалкоголли ёғ касаллигини оғирлик даражасини аниқлашда жигарнинг гепаторенал индексни учта: юза, марказий ва чуқур соҳаларидан эхогенлик кўрсаткичларига техникаси асосланганлиги Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 18 июлдаги 277-сонли ва Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида 2024 йил 25 июлдаги 28-сонли буйруғи билан жорий этилди. Жигарнинг эхогенлигини унинг учта нуктасидан баҳолаб касалликнинг оғирлик даражасини миқдорий аниқлаш имконияти ишлаб чиқилган. *Ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: гепаторенал индексни баҳолаш натижалари касалликнинг енгил даражасини эрта ва уз вақтида ташхислаб бериши аниқланди. Бу эса, лаборатория таҳлиллари ва нурли текширув усулларига булган эҳтиёжни камайтириб, тўғри даволаш йўналишини танлаш вақтини қисқартиришга, танланган даволаниш йўналишининг самарадорлигини баҳолашда беморларни динамик кузатишга ва беморларнинг бошқа нурли диагностика усуллари учун харажатларини камайтиришга имкон бериши аниқланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Ушбу гуруҳ беморларида мутлақо безарар ва информатив ҳисобланган гепаторенал индексни баҳолаш текшируви учун ўртача 143,1±7,4 минг сўмни ташкил қилди. Бунда бемор ҳисобига иқтисодий самарадорлик 124,4±9,4 сўмни ташкил қилади. ЖНЁКни аниқлашдаги нурли текширувларни қўллаш учун ўртача 267,5±16,8 минг сўмни ташкил этади. Гепаторенал индексни баҳолаш ультратовуш текшируви эса ушбу сарфни талаб этмайди. *Хулоса:* гепаторенал индексни баҳолаш ультратовуш текшируви касалликнинг дастлабки босқичларини белгилашда ишончлилиги аниқланди.

тўртинчи илмий янгилик. жигар қаттиқлиги/эластиклиги даражасини аниқлашда 2D SWE ва Advanced ViTE эластографияларини касалликнинг оғирлик даражасини аниқлашда жигар паренхимадаги микроциркуляция ҳолатини аниқ кўрсатадиган усул эканлиги асосланганлиги Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 18 июлдаги 277-сонли ва Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида 2024 йил 25 июлдаги 28-сонли буйруғи билан жорий этилди. 2D SWE ва янги Advanced ViTE текширув усули ёрдамида жигарда ультратовушнинг сўниши кўрсаткичларига кўра ЖНЁК нинг даражалари миқдорий баҳоланди. Бу эса касалликни эрта ва тўғри ташхислаш, ўз вақтида даво чораларини кўриш ва асоратларни олдини олишга имкон беради. *Ижтимоий самарадорлиги* замонавий ультратовуш технологиялари ёрдамида ишлаб чиқилган жигарнинг қаттиқлик/эластиклик даражасини комплекс баҳолашга тизимли ёндашув, текширув учун сарфланган вақтни қисқартиради, беморларнинг бошқа нурли тадқиқот усулларига сарфланган харажатларини камайтиради,

шунингдек, олиб борилган даво чораларини самарадорлигини мониторинг қилишда иштирок этади. *Иқтисодий самарадорлиги*: рангли рақамлаштириш ультратовуш текширув усули тўқималар гармоникаси билан биргаликда жигарнинг қаттиқлик/эластиклик даражасини комплекс баҳолашга қаратилган ёндашувлар қуйидаги иқтисодий ҳисоб-китобларга олиб келди: диагностика марказларида қорин бўшлиғи аъзолари мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ва комплекс ультратовуш текшируви (УТТ) ўртача нархи мос равишда $287,6 \pm 28,3$ минг сўмни ва $147,6 \pm 19,4$ минг сўмни ташкил қилди. Тадқиқот харажатларидан ҳисобланган фарқ натижасида, замонавий ультратовуш технологияларидан фойдаланиб комплекс УТТ ўтказилганда, 1 беморга диагностика муолажаларига ишлатилган ўртача нарх камайиши $143,1 \pm 7,4$ минг сўмни ташкил қилди. *Хулоса*: жигарнинг қаттиқлик/эластиклик даражасини комплекс баҳолашга тизимли ёндашувдан фойдаланган ҳолларда, ЖНЁК билан оғриган беморлар учун, ташхислаш ва муолажаларга ажратилган вақтнинг қисқариши, ҳамда нархларнинг камайишига имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратлилиги, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқот ишининг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Жигарнинг ноалкоголли ёғ касаллигини ташхислашнинг ҳозирги кундаги ҳолати**» деб номланиб адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, унда хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг кўплаб адабиёт маълумотлари таҳлили келтирилган,

ўрганилаётган муаммога бағишланган хорижий ва маҳаллий илмий нашрлар таҳлили берилган. Кўплаб изланувчиларнинг тадқиқот ишларига қарамай, адабиётлар шарҳида жигарнинг ноалкоголли ёғ касаллиги (ЖНЁК)ни мультипараметрли ташхислашда 2D SWE ва Advanced ViTE эластография усулларининг ўрни ва аҳамиятининг етарлича ўрганилмаганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Жигарнинг сурункали диффуз касалликларини ташхислашнинг замонавий ҳолатини кўриб чиқиш асосида, ЖНЁКда мультипараметрли ультратовуш диагностиканинг имкониятларини ўрганишнинг долзарблилиги ва зарурати тўғрисида хулоса чиқарилган. Ушбу боб ЖНЁКни ташхислашда ультратовушли мультипараметрик ёндашувни такомиллаштиришни мақсадга мувофиқлигини таъкидлайдиган хулоса билан яқунланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Текширув материаллари ва усулларининг умумий клиник хусусиятлари**» деб номланиб текширилган беморларнинг умумий тавсифи, шунингдек, тадқиқотда фойдаланилган текширув усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу тадқиқот иши 216 нафар беморни кенг қамровли текшириш натижаларини ўз ичига олган ЖНЁКга шубҳа қилинган ёки клиник жиҳатдан аниқланган: 95 нафар (44,9%) эркеклар ва 121 нафар (56%) аёллардир. Биз текширган барча беморлар клиник, лаборатор ва ультратовуш текширувларига асосланиб, турли оғирликдаги ЖНЁК билан касалланган 167 нафар бемор аниқланди. Назорат гуруҳи 19 ёшдан 65 ёшгача бўлган (ўртача ёши $33,37 \pm 2,28$ ёш) тана вазни индекси (ТВИ) 24-27 гача бўлган 49 нафар соғлом беморлардан (18 эркек, 31 аёл) иборат бўлиб, анамнездан сурункали гепатит касаллиги қайд этилмаган ва биокимёвий қон таҳлили кўрсаткичлари (АЛТ, АСТ, билирубин, холестерин ва глюкоза) ЖНЁК йўқлигини кўрсатди. Назорат гуруҳидаги беморларда жигарнинг ультратовуш сифат ва биометрик кўрсаткичларида ўзгаришлар аниқланмади. Россия гепатологлар ассоциацияси 2022 йилдаги тавсияларига биноан жигарнинг клиник, лаборатор ва мультипараметрли ультратовуш текшируви натижаларига кўра, ЖНЁК билан касалланган барча беморлар қуйидаги гуруҳларга бўлинди: Касалликнинг енгил даражаси (F1) билан 67 (20,4%) нафар беморлар, ўрта оғир даражасида (F2) 55 (25%) ва оғир даражасида (F3) 45 (28,1%) нафар беморлар.

Мультипараметрли ультратовуш текшируви, жумладан жигар, ўт йўллари, ошқозон ости беши ва талоқнинг кулранг шкалалари эхографияси шунингдек, доплерография ва силжиш тўлқинли эластография (SWE) умумий клиник қурилма “Mindray Consona N9” ёрдамида 25 нафар соғлом кишиларда ва ЖНЁК бўлган 120 нафар беморда ўтказилди. “Нератус” ультратовуш аппарати қурилмасида эса ЖНЁК билан 47 нафар бемор ва 24 нафар соғлом кишиларда текширувлар олиб борилди. Янги транзиент эластография (Advanced ViTE) технологияси қўшимча равишда жигар паренхимасида ультратовушни сўниш даражасини дБ/м да олиш имкониятини беради. Бунга қўшимча равишда икки ўлчамли силжиш тўлқинли эластография (2DSWE) аъзонинг ўрганилаётган соҳасининг “танланган ойна” сида кПа да жигар паренхимасининг қаттиқлиги ҳақида маълумот беради.

Ушбу илмий ишда эластография текширувидан олинган натижаларнинг ўртача кўрсаткичлари олинди ва натижалар METAVIR – жигарнинг сурункали диффуз касалликларининг халқаро таснифи бўйича баҳоланди.

Биринчи босқичда ультратовуш датчигининг бемор танасига стандарт полипозицион ва полипроекцион жойлаштирган ҳолда жигар, ўт пуфаги, интрагепатик ва экстрагепатик томирларнинг ҳолати ва тузилиши ҳақида маълумотларни такдим этадиган кулранг шкалалари эхограммалар олинди.

Биз ультратовуш ёрдамида қорин соҳаси тери ости ёғ қатламининг қалинлигини аниқлаш усулини таклиф қилдик. Уни ультратовуш датчигини қориннинг оқ чизиги бўйлаб киндикдан 2-3 см пастга қўйиш орқали аниқладик. Агарда ультратовуш текширувига кўра тери ости ёғ тўқималарининг қалинлиги 3 см дан ошса, бу ёғли гепатознинг хавфидан далолат беради. Таклиф этилган техника бизнинг назоратимиз остида барча беморларда синовдан ўтказилди.

Тана вазни индекси > 35 дан юқори бўлган 45 нафар беморларда кўкрак қафаси ва қорин деворларида тери ости ёғ қатламининг қалинлиги туфайли жигар паренхимасининг кўриниши қийинлашди. Бундай ҳолатларда биз тўқималар гормоникаси (ТН) технологиясини қўлладик. Ушбу усулнинг моҳияти шундаки, жигарнинг танланган чуқурлигида ультратовуш тўлқинларининг юқорироқ частоталарда тебраниши ҳисобига аъзонинг кўриниши яхшиланади.

Жигарнинг стандарт текширувларидан сўнг иккинчи босқич кулранг шкала режимида рангли рақамлаштириш усулига ўтдик. Бунда жигар паренхимасининг стандарт эхограммаси олинган “бўяш” вазифасини танладик ва эхограмма малла ранг тусга кирди. Ушбу усул айниқса ЖНЁКнинг енгил даражасида қўл келди.

Учинчи босқич бу гепаторенал индекси (HRI) аниқлаш. Бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ биз гепаторенал индекс технологиясини бир эмас балки учта нуқтада: юза (2-3 см), ўрта (4-5 см) ва чуқур (5 см дан кўп) қатламларда аниқладик. Ушбу методологик ёндашув касалликнинг яллиғланиш-дегенератив ўзгаришлари бўлган II ва III даражаларини батафсил ўрганиш имконини беради.

Тадқиқотнинг кейинги тўртинчи босқичи жигарнинг дарвоза ва талок қон томирларининг диаметрини, уларнинг чизиқли қон оқими тезлигини ўлчаш бўлди. Спектрал доплер режимида жигарнинг дарвоза томирида касалликнинг оғир даражасига келиб паст тезликда узлуксиз гепатопетал қон оқими кузатилди.

Бешинчи босқич жигар паренхимасининг силжиш тўлқинли эластографияси жигарнинг II, III, V, VI, VII ва VIII сегментларида ультратовуш датчигини аъзога қатъий перпендикуляр йўналтирган ҳолда, ҳар бир “қизиқиш соҳаси”ни (Q-Box) камида 7 марта ўлчаш билан, кулранг шкалалари ультратовуш текширувдан сўнг амалга оширилган. Олинган маълумотларни оптималлаштиришнинг муҳим шартлари датчикнинг жигар капсуласига қатъий перпендикуляр бўлиши, текшиув вақтида бемор нафасини ушлаб туришидир. Биз фойдаланган “Mindray Consona N 9”

ультратовуш аппаратида рангли картограмма (E-Vox) қуйидаги рангга бўялди: юмшоқ тўқимали тузилмалар кўк ва яшил рангга, қаттиқ жойлар эса қизил рангга. Икки ўлчамли силжиш тўлқинли эластография жигар паренхимасининг миқдорий кўрсаткичларини кПа, м/с да ифодалайди.

71 нафар ЖНЁК билан оғриган беморларда “Нерatus” қурилмасида ультратовушнинг ютилиши (дБ/м) ҳақида маълумотлар олинди. Ушбу методологик ёндашув 7 минутгача жигарнинг экзогенлиги, ўлчамлари ҳақида икки ўлчамли режимда сифат ва миқдорий маълумотлар олишни, жигарнинг қаттиқлиги/эластиклигининг миқдорий кўрсаткичларини кПа ва дБ/м да ифодалаб ЖНЁК нинг даражасини белгилашда аниқликни оширди.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўтказилган текширувларнинг натижалари» деб номланиб клиник-лаборатор, кулранг шкалалари ва доплерография режимидаги жигарнинг ультратовуш текшируви, шунингдек, жигарнинг қўшимча текширув усулларида (МСКТ, морфологик текширув) олинган натижаларнинг шарҳига ва таҳлиliga бағишланган.

Беморларда касалликнинг клиник кўринишини ўрганишда касаллик ривожланиши жадаллашиши билан шикоятлар ҳам кўпайиши кузатилганлиги қайд этилди. Касалликнинг оғир даражасида (F3) энг кўп шикоятлар қайд этилди. Ушбу гуруҳда иштаҳанинг пасайиши, ўнг қовурғалар ости ва эпигастрал соҳадаги оғирлик ҳисси, метеоризм, чарчоқ, кекириш ва кўнгил айнаши каби шикоятлари қайд этилди.

Асосий гуруҳлардаги биокимёвий таҳлил натижаларида эса, АЛТ касалликнинг энгил даражасидаги гуруҳ беморларида $0,68 \pm 0,02$ мкмолль/л бўлса, оғир даражадаги гуруҳга келиб бу кўрсаткич $1,77 \pm 1,15$ мкмолль/л га етди. АСТ кўрсаткичлари ЖНЁК билан оғриган беморларнинг оғир даражадаги гуруҳида $0,90 \pm 0,57$ мкмолль/л гача сезиларли ўсди. Холестерин даражаси барча гуруҳларда кўтарилиб, $6,34 \pm 0,12$ мкмолль/л дан $7,73 \pm 0,17$ мкмолль/л гача ошди. Энгил даражадаги гуруҳ беморлари орасида 10 (4,62%) нафар беморда қандли диабет, ўрта оғир даражадаги гуруҳда 13 (6,01%) нафар ва оғир даражадаги гуруҳда 20 (9,2%) нафар беморда қайд этилди. Умумий билирубин кўрсаткичлари $19,84 \pm 1,36$ мкмол/л гача кўтарилди.

ЖНЁКнинг ҳар-хил оғирлик даражаси билан оғриган 37 нафар беморда жигарнинг қўшимча ноинвазив текшируви – МСКТ текшируви ўтказилди. МСКТ маълумотларига кўра, ЖНЁК билан оғриган беморларда жигар паренхимаси бир ҳил тузилишда, контурлари силлиқ ва аниқ. Улардан 14 нафарига МСКТ маълумотларига кўра, гепатознинг энгил даражасига тўғри келадиган +40 НУ дан +60 НУ гача бўлган зичликка эга. 16 нафарига зичлиги +30 НУ дан + 39 НУ гача бўлган ўртача даражага эга ва 7 нафари эса оғир даражали стеатоз, зичлиги +20 НУ дан + 29 НУ гача эканлиги қайд этилди.

“Олтин” стандарт ҳисобланган жигарнинг морфологик текшируви ушбу текширувга қарши кўрсатмалари бўлмаган 40 нафар беморда ўтказилди. Морфологлар томонидан тақдим этилган хулосалар натижаларига кўра, касалликнинг энгил даражаси гуруҳига мансуб 18 (45%) нафар беморларда жигарни морфологик ўрганишда жигар тўқималарининг энгил даражали ёғли дистрофияси, умумий фонда турли даражадаги ёғли дегенератив ўзгаришлар

бўлган ҳар хил ўлчамдаги гепатоцитлар мавжудлиги намоён бўлди. Синусоидал бўшлиқларда турли даражадаги веноз тикилишлар қайд этилди. Хужайралар гиперхромланган, майда конволюцияли ёғли дистрофик гепатоцитлар аниқланди. Марказда эса гидропик дегенерация ва энгил цитоплазмали гепатоцитлар эканлиги аниқланди. Купфер хужайралари ўчоқларининг кўпайиши қайд этилди.

Ўрта оғир даражадаги гуруҳга мансуб 12 (30%) нафар беморларда морфологик текширув, марказий томирларда веноз қон тўлишини кўрсатди. Бўялган базофил Купфер хужайраларининг кўпайиши қайд этилди. Гепатоцитларда ўрта ва катта томчили ёғли дегенерация ҳосил бўлган. Синусоидал бўшлиқлар торайган, гепатоцитлар цитоплазмасида гидропик дегенерация ҳосил бўлган.

Касалликнинг оғир даражаси бўлган 10 (25%) нафар беморларда биопсия намунасини морфологик текширишда липофаглар тўплами билан ўралган ўчоқда ёғли дегенерацияга учраган гепатоцитлар аниқланди. Купфер хужайраларининг кўпайиши қайд этилди. Перипортал венанинг қон томирлари турли даражадаги тўлиқликка эга.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Жигарнинг мультипараметрик ультратовуш текшируви натижалари**» деб номланиб кулранг шкала асосида олиб борилган стандарт текширувлар, жумладан рангли рақамлаштириш, тўқималар гормоникаси, гепаторенал индексни баҳолаш ва доплерография текширув усуллариининг натижалари келтирилган. Соғлом одамлардаги (назорат гуруҳи) ва ЖНЁК бўлган беморлардаги силжиш тўлқинли ва транзиент эластография натижаларининг таҳлили кўрсатилган. 2D SWE ва жигар биоптатининг морфологик текшируви натижалари таққосланган. ЖНЁК мультипараметрли ультратовуш текширувларининг диагностик самарадорлиги сезувчанлик, ўзига хослик, диагностик аниқлик, шунингдек кулранг шкалалари ультратовуш текшируви, доплерография ва икки ўлчамли силжиш тўлқинли эластография каби ультратовуш диагностикаси усуллариининг ижобий ва салбий диагностик қийматларини аниқлаш билан ўрганилган.

ЖНЁКнинг кулранг шкала режимида касалликнинг оғирлик даражасига қараб, ўзига хос эхографик хусусиятлари аниқланди. Бунга кўра, касалликнинг энгил даражали гуруҳига мансуб беморларда жигарнинг чап бўлагининг бурчаги 45° гача кенгайган ($p < 0,05$), V, VI, VII сегментларда паренхиманинг эхогенлиги биров ошган, эхоструктураси майда дондор бўлиб, жигарнинг товуш ўтказувчанлиги 30% гача камайди. 67 нафар бемордан 8 нафарида (3,7%) сурункали холецистит ва сурункали калькулёз холецистит белгилари аниқланди.

Ўрта оғир даражадаги гуруҳ беморларда жигар паренхимасининг эхогенлиги ошиши билан бирга, эхоструктура майда дондор, аъзонинг чуқур қисмларида қон томир архитектураси кўриниши заифлашди ва товуш ўтказувчанлиги 50% гача камайди. 10 (4,62%) нафар беморда жигар ҳажми катталашган, 9 (4,16%) нафар беморга сурункали холецистит ва 6 (2,77%) нафар беморда сурункали калькулёз холецистит ташхиси қўйилди.

ЖНЁКнинг оғир даражасидаги беморларда ҳам жигар паренхимасининг эхогенлиги ошган, эхоструктураси майда донатор, жигарнинг марказий ва чуқур қисмларида томирлар архитектурасининг сусайиши ва жигарнинг товуш ўтказувчанлигининг 70% гача пасайиши кузатилди. 24 (11,1%) нафар беморларда гепатомегалия, 45 нафар беморнинг 18 нафарида жигарнинг диафрагма юзасининг визуализацияси ёмонлашуви кузатилди. Шу билан бирга, ушбу гуруҳдаги беморларнинг 3 (1,38%) нафарида сурункали холецистит ва 13 нафарида (6%) сурункали калькулёз холецистит аниқланди.

Турли оғирликдаги ЖНЁК билан оғриган беморлар жигарининг ультратовуш биометрик параметрлари ўрта оғир даражадаги гуруҳ беморларидан бошлаб сезиларли даражада ошиб борди. Айниқса, тана вазни индекси (ТВИ) юқори (>35-40) бўлган оғир даражадаги гуруҳ беморларида гепатомегалия белгилари кўпроқ аниқланди.

Тери ости ёғ қатламининг қалинлигини ўлчаш шуни кўрсатдики, тери ости ёғ қатламининг 3 см дан ортиқ бўлиши ЖНЁК га шубҳа қилиш учун “белги” ҳисобланади. Айниқса оғир гуруҳдаги ТВИ юқори бўлган беморларда бу кўрсаткичлар 7 см гача етди.


Гепаторенал-индексни аниқлашда ЖНЁКнинг енгил даражаси билан оғриган беморларда жигар паренхимасининг юза қисмларида эхогенликнинг қиёсий камайиши кузатилди. Бунда жигарнинг диафрагмал юзаси аниқ дифференциацияланди, гепаторенал индекс (HRI) $2,87 \pm 3,1$ га етди. ЖНЁКнинг ўрта оғир даражаси билан оғриган беморларда жигар паренхимасининг марказий жойларида жигар эхогенлигининг қиёсий пасайишини қайд этдик. Бунда жигарнинг диафрагма юзаси аниқ фарқланмади ва HRI $3,21 \pm 2,1$ ни ташкил этди. ЖНЁКнинг оғир даражаси бўлган 45 нафар беморда жигар паренхимасининг олдинги учдан бир қисмида жигар эхогенлиги кескин пасайди. Фақат олдинги бўлимларда жигар эхогенлиги сезиларли даражада ошди. Жигарнинг диафрагма юзаси деярли фарқланмади. Бу эҳтимол, жигар тўқималарининг ёғли элементлари томонидан ультратовушнинг ютилиши билан боғлиқ ва HRI $7,17 \pm 3,1$ гача ошди (1-расм).




1-расм. ЖНЁКнинг оғир даражали эхограммаси: А - ZOOM режимда жигарнинг эхогенлигини юза, ўрта ва чуқур нуқталарида қиёсий таҳлили; Б - гепаторенал индекс кўрсаткичи (HRI=7.17)

Допплерография кўрсаткичларига биноан касалликнинг дастлабки енгил даражасида жигар дарвоза венаси қон оқимининг чизиқли тезлиги $22,11 \pm 0,60$ см/с бўлса, касалликнинг оғир даражасига келиб нисбатан пастроқ бўлди: $21,23 \pm 0,39$ см/с. Талоқ венаси қон оқимининг чизиқли тезлигида эса ўзгаришлар кузатилмади. Жигарнинг дарвоза ва талоқ веналарининг диаметрларида ўзгаришлар бўлмади.

Назорат гуруҳидаги барча 49 нафар беморлар икки ўлчамли силжиш тўлқинли эластография текшируви (2D SWE) дан ўтказилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги (F0) 2D SWE 2×2 см ўлчамдаги “қизиқиш” соҳасида (Q box) рангли картограмма кўк рангга бўялиб, жигар паренхимасининг эластик эканлигини кўрсатди. Бунда, икки ўлчамли силжиш тўлқинли эластографиясининг ўртача қиймати $4,69 \pm 0,06$ (медиана 3,9-6,5) кПа, кесиш тўлқинининг тезлиги $0,70 \pm 0,1$ м/с дан ошмади. ЖНЁКнинг дастлабки енгил даражасида (F1) рангли картограмма кўк ва яшил рангга бўялди. 2D SWE эластография қийматлари ўртача $6,19 \pm 0,08$ (4,8-8,0) кПа, силжиш тўлқинининг тезлиги эса $0,80 \pm 1,2$ м/с ни ташкил этди. Стеатознинг ўрта оғир даражасида (F2) рангли картограмма кўк, яшил ва сариқ ранглар билан тақдим этилди. Силжиш тўлқинларининг кўрсаткичлари ўртача $7,21 \pm 0,11$ (6,3-10,7) кПа ни ташкил этди, силжиш тўлқинининг тезлиги эса $1,3 \pm 1,5$ м/с гача ошди. Касалликнинг жадал ривожланган оғир даражасида (F3) рангли картограмма сариқ ва қизил рангли жойлар билан, кўк ва яшил рангга бўялди. Эластография кўрсаткичлари ўртача $7,79 \pm 0,07$ (8,1-13,5) кПа, силжиш тўлқинининг тезлиги $1,5 \pm 1,7$ м/с га ошди (2-расм).





2-расм. 2D SWE режимида ЖНЁКнинг турли оғирлик даражалари эластограммалари: А-соғлом жигар паренхимаси (F0); Б-енгил даража (F1); В- ўрта оғир даража (F2); Г-оғир даража (F3)

Бизнинг клиник ва эхографик тадқиқотларимиз жигар қаттиқлигининг даражасини аниқлашда силжиш тўлқинли эластографиянинг муҳим ҳиссасини кўрсатди. 1-жадвалда ЖНЁКда жигарнинг қаттиқлиги/эластиклигини аниқлаш бўйича кузатишларимиз натижалари келтирилган. Олинган миқдорий ва сифат кўрсаткичлари METAVIR таснифи билан солиштирилди.

1. жадвал


Жигар паренхимасининг эластиклик модулининг кўрсаткичлари

METAVIR таснифи бўйича жигар қаттиқлиги кўрсаткичлари	Текширилганлар сони	Эластиклик модули	
		кПа (ўртача)	м/с
Назорат гуруҳи (F0)	49	4,69±0,06	0,70 ± 0,1
Енгил даража (F1)	67	6,19±0,08 *	0,80 ± 1,2
Ўрта оғир даража (F2)	55	7,21±0,11*	1,3 ± 1,5
Оғир даража (F3)	45	7,79±0,07*	1,5 ± 1,7

Эслатма: *** ишончлилик даражаси $p < 0,001$


ЖНЁК билан оғриган 40 нафар беморда 2D SWE натижалари жигарнинг морфологик текшируви хулосалари билан таққосланди. Улар орасида 2D SWE натижаларини морфологик таққослаш касаллиқнинг енгил даражаси бўлган 18 нафар беморда, ўрта оғир даражаси билан 12 нафар беморда ва оғир даражаси бўлган 10 нафар беморда ўтказилди.

ЖНЁКнинг енгил даражасида (F1) 2D SWE ўртача кўрсаткичи 6,19±0,08 кПа, силжиш тўлқинининг тезлиги эса 0,70±0,1 м/с ни ташкил этди (3. А-расм). Беморларнинг ушбу гуруҳида жигарнинг морфологик текшируви енгил даражали ёғли дистрофиясини аниқлади. Умумий фонда аъзо тўқималарида турли даражадаги ёғли ва дегенератив ўзгаришлар кузатилди (3. Б-расм).




3-расм. А - 2D SWE режимида жигар паренхимасининг эластограммаси тасвири: ёғли гепатознинг енгил (F1) даражаси ($6,19 \pm 0,08$ кПа); Б - Патоморфологик хулоса: жигарнинг енгил даражали ёғли дистрофияси

Ёғли жигар касаллигининг ўрта оғир (F2) даражасида эластометриянинг ўртача кўрсаткичлари $7,21 \pm 0,11$ кПа ни ташкил этди ва силжиш тўлқинининг тезлиги $1,3 \pm 1,5$ м/с га ошди (4. А-расм). Ушбу гуруҳдаги беморларда морфологик текширув шуни кўрсатдики, гепатоцитларда ўртача ва катта томчили ёғли дегенерация шаклланган (4. Б-расм).



4-расм. А – 2D SWE режимида жигар паренхимасининг эластограммаси тасвири: ёғли гепатознинг ўрта оғир (F2) даражаси ($7,21 \pm 0,11$ кПа); Б - Патоморфологик хулоса: жигарнинг ўрта даражали ёғли дистрофияси

Касалликнинг оғир (F3) даражасида эластометрия кўрсаткичлари ўртача $7,79 \pm 0,07$ кПа га, силжиш тўлқинининг тезлиги $1,5 \pm 1,7$ м/с га етди (5.А-расм). Бундай ҳолда, биоптат намунасини морфологик текширишда ўчоқда липофаг тўпламлари билан ўралган, ёғли дегенерацияга учраган гепатоцитлар аниқланди. Купфер хужайраларининг кўпайиши қайд этилди. Перипортал венанинг қон томирлари турли даражадаги тўлиқликка эга бўлди (5. Б-расм).




5-расм. А – 2D SWE режимида жигар паренхимасининг эластограммаси тасвири: ёғли гепатознинг оғир (F3) даражаси ($7,79 \pm 0,07$ кПа); Б - Патоморфологик хулоса: жигарнинг оғир даражали ёғли дистрофияси

